



РЕШЕНИЕ

ХОКИМА

Самаркандского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2017-й. «24» марта

№ 646-к

Samarqand t.-p. Самарканд

Тумандаги “SHERXON NUR SAODAT” нодавлат таълим муассасасига  
Кўлбаipoён кишлок фукаролар йиғини Талибарзу махалласи худудидан  
Мактабгача таълим муассасаси биноси қуриш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида

Самарканд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофик ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инобатга олиб, танлов голиби “SHERXON NUR SAODAT” нодавлат таълим муассасаси директори С.Мухиддинова туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан.

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарканд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофик ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул килинсин.

2. Танловга қўйилган 13-сон ер майдонининг голиби “SHERXON NUR SAODAT” нодавлат таълим муассасаси бўлганлиги сабабли тумандаги “Кўлбаipoён” кишлок фукаролар йигинидаги Талибарзу махалласи худудидан мактабгача таълим мауассасаси биноси қуриш учун 1400,0 м.кв кишлок хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан доимий фойдаланиш ҳукуки билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул килинини муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Каршиев)га, “Кўлбаipoён” кишлок фукаролар йигини (М.Раҳмонов)ларига тасдиқланган бон режа асосида танлов голибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер улчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаронов)га учибу танлов голибига ер майдонига бўлган ҳукукни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилishi ва туман давлат солик инспекциясига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.